



### Уламолардан савол

Бизим Фаргонага кайдин эришти бўйла одатлар,  
Бу боис бошка миллатлар килур доим хакоратлар.  
Ки, яъни, “ёр-ёр”у “шах муборак” деб бокирмаклар,  
Биза мерос кўйди кайси кавми “бошарофат”лар.  
Келин келганда Намруд оташидек катта ўт ёкмок,  
Хотунлар юз ёшурмай кўрсатиб эркакга коматлар.  
Хама ул ерда эркак бирла хотунлар хаёси йўк,  
Алар байнинда ўтгай хазл ила турлук кабохатлар.  
Кўёвлар кўтариб элтар келинни кўчадин уйга,  
Шариатда равому, кайси мазхабдин ривоятлар?!  
Яна бир нечасин ёзмокга хомамнинг келур шарми,  
Билурлар ўзлари Фаргонали сохиб фатонатлар.  
Сўрайман бу матоъим нархини бозори “Ислох”дан,  
Ки, кўйсун шаръ хукми бирла киймат бодийонатлар.  
(Шахрихонлик Мулла Хошим Мухаммад Солих махдум ўгли)

### Мана шаръий жавоб:

Сизинг Фаргонада гар бўлса андог зишт одатлар,  
Нечук дафъига они химмат этмас ахли гайратлар.  
Етушти бизга бу мерос кайдин, деб малул ўлманг,  
“Вадиъат” бирла кўймишлар бобойи “бошарофат”лар.  
Ани тарк этсалар эл гўё бир тарки фарз ўлгай,  
Ки, колмиш ул “шарофатлик” боболардин бу “суннат”лар.  
Ўшалким “ёр-ёр” айтмоклари жохилистон расми,  
Кўтарилгой қачон, эй-вой биздин ушбу бидъатлар?!  
Кўёв кизни кўтариб кўчадин уйга олиб кирмок,  
Нечук бенангликдур ушбу иш, эй ахли миллатлар?!  
Фарангу русу инглиз, хито-у ёпунда хам йўкдур,  
Мунингдек бежаё, бенанглик кори даносатлар.  
Йигин ўртасида кунхорага ёг ила ўт урмок,  
Мажусий хайлидин колгон эмасму ушбу нисбатлар?!  
Эрур ушбу балолар жумласи бидъатчилар ихдоси,  
Мунинг тажвизига йўк дини Ахмад ичра рухсатлар!

Деди “Таргиб” ичра бир неча донойи динпарвар,  
Хотунларнинг хусусинда неча ширин ривоятлар.  
Мунинг тафсилини хар киши истар, анга юзлансун,  
Ки, мумкин бўлмади бу ер аро накли ривоятлар.  
Пайамбардин ривоятдур бихишта кирмагай дайюс,  
Бу сўзни накл этар “Таргиб” аро ахли шариатлар.  
Яна Ибн ал-Мункадир васф этар дайюс кимлардур:  
Хотунларнинг муроди бирла иш туткон касофатлар.  
Балогатга етушган болани хотун била тутмок,  
Бу хам бир навъ дайюслик эрур, эй ахли гайратлар!  
“Хизона” ичра айтурким, хотуннинг товуши хам аврат,  
Эронлар бирла сўзлашмокга йўк онларга рухсатлар.  
Агар бир ажнабийга бир хотун беузр сўз котса,  
Ўзини лойики лаънат килур, лозим жиноятлар.  
Бу нокис фикрларнинг ўзларича хайдолиб кўйса,  
Чикорурлар алар номуслик, беҳад хиёнатлар.  
Эрин шарманда айлаб, они бошининг тубан килгай,  
Бас, онларни бу бобинда килингай кўп хифозатлар.  
Пайамбардин кетурди накл этиб, “Ширъа” китобинда,  
Хотунга хазл изхор этса, марди бедиеънатлар,  
Хар огиз сўзи учун, бас, колур дўзах аро минг йил,  
Бу сўз сидкига коилдур хама ахли заковатлар.  
Агар хотунга хар ким бир ёмон иш илтизом этса,  
Кўшуб шайтон ила занжир урар, онларга лаънатлар.  
Кейин фармон ўлур онларни дўзах ичра сургайлар,  
Чекар захмат, кўрар кулфат, яна бир неча офатлар.  
Лаин шайтон била хамрох бўлмок бунча расволик?!  
Басират ахлига, бас, лозим эмди олмак ибратлар!  
Агар хам кимса толиб бўлса, Сидкий сўзин аслига,  
Топиб кўрсун фатовийларда боби сатри авратлар.  
(Сирожиддин махдум Сидкий)

(Ушбу савол-жавобли манзума “ал-Ислох” журналининг 3-жилди, 1917-йил, 1-сонидан  
олинди: 642-643-бетлар)  
Хамидуллох Беруний